



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Якубов Акмал

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
докторанти

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ БИЛАН
МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД МАНБАЛАР ВА МУАММОНИНГ
ТАРИХНАВИСЛИГИГА ДОИР

Аннотация: Мазкур мақолада XVI асрда Хоразм минтақасида ташкил топган Хива хонлигининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тарихи, шунингдек, хонликнинг қўшни давлатлар, хусусан қозоқ жузлари билан муносабатлари тарихига доир адабиётлар тавсифи ва таҳлили келтирилган. Мақола доирасида таҳлил қилинган адабиётлар ўзининг манбавий аҳамиятига кўра хоразмлик миллий тарихчилар, инглиз ва рус муаллифларининг асарлари, мустамлака ва совет йилларида амалга оширилган тадқиқотлар мисолида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: муаррих, тарихнавислик, контент-таҳлил, қирғиз-қайсак, қозоқ жузлари.

Хива хонлигининг қозоқ жузлари билан муносабатлари тарихига оид манбалар ва муаммонинг тарихшунослиги масаласи алоҳида тадқиқот йўналишини ташкил қилади. Бу масала биринчи навбатда Хоразм тарихнавислик мактабининг асосчилари бўлган миллий тарихчилар, муаррих ва солномачиларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

Улар орасида Хивада яшаган ва хонликда амалга оширилган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларнинг шахсан гувоҳи бўлган, Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Саид Ҳамидхон тўра Камёблар муҳим ўрин эгаллайди.

Хоразм тарихнавислик мактабининг асосчиси ҳақли равишда Абулғози Баҳодирхон ҳисобланади. Унинг “Шажарайи турк” ва “Шажарйи тарокима” асарлари Хива хонлигининг XVII аср тарихини ўрганишда муҳим асарлар ҳисобланиб, уларда Хива хонлигининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, этник тарихи ва этник жараёнларга оид маълумотлар келтирилган¹.

Абулғози Баҳодирхондан кейин Хоразм тарихини даврий жиҳатдан ёритган тарихчи “Фирдавс ул-иқбол” асарининг муаллифи Шермуҳаммад Мунис ҳисобланади. Унинг қўлёзмалари воқеа ва ҳодисалар баёнига ҳолисона ёшдошганлиги ва ёритилаётган воқеаларнинг ҳаққонийлигига эришганлиги билан ажралиб туради. Шермуҳаммад Мунис тарихий воқеалар ва Хива хонлари шажарасини 1812 йилгача ёритган. Тарихчининг 1829 йилда вафот қилиши натижасида тўхтаб қолган ишларни жияни Муҳаммадризо Огаҳий давом эттирган.²

Огаҳий “Фирдавс ул-иқбол” асарининг иккинчи қисмини яқунлагандан кейин “Риёз уд-давлат” (“Бахт саодат боғлари”), “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар қаймоғи”), “Жомий ул-воқеоти султоний” (“Султон воқеалари йиғиндиси”), “Гулшани давлат” (“Давлат гулшани”), “Шоҳид ул-иқбол” (“Иқбол шоҳиди”) каби тарихий асарлар ёзган. Уларда Хива хонлигининг 1813-1872 йиллардаги ҳаёти, йирик сиёсий арбоблар тўғрисидаги маълумотлар даврий тарзда моҳирона очиб берилган³.

В.В.Бартольднинг фикрича, Мунис ва Огаҳийнинг асарлари адабий ва тарихий асар сифатида баённинг мукамаллиги ва ҳақиқий материалларнинг миқдори жиҳатидан Бухоро ва Қўқон хонликларининг тарихига доир бизнинг давримизгача сақланиб келган ҳамма асарлардан устун туради⁴.

XV аср иккинчи ярми ва XVI аср биринчи чорагида яшаб, ижод қилган Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон қаламига мансуб ва 1498-1610 йиллар даври воқеаларини акс эттирувчи “Мусаххир ал-билод” (Мамлакатларнинг эгалланиши) асарида Шайбонийхон ва унинг Дашти Қипчоқ, Ўрта Осиё ва Хуросонда ҳукм сурган аждод ва авлодлари, жумладан, “қурувчи хон” лақабини ҳам олган Абдуллахон II нинг ҳарбий юришлари ҳамда давлатчилик фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, ушбу асарда Бобур ва бобурийлар, Бадахшонлик темурийлар ва уларнинг шайбоний, аштархонийлар сулоласи вакиллари ҳамда сафавийлар давлати билан сиёсий-ҳарбий муносабатлари ҳам ёритилган⁵.

Хива хонлиги тарихини тўлақонли ёритишга интилган муаррихлар орасида шубҳасиз Муҳаммад Юсуф Абдулкаримбек ўғли Баёний юкори ўринлардан бирини эгаллайди.

¹ Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992.

² Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. / Араб ёзувидан таъдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, И. Бекчанов, Н. Полвонов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 520 б.

³ Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Тошкент: Фан, 1960; Шу муаллиф. Хоразмда тарихнавислик. – Ташкент: Фафур Ғулом, 2002. - 23-61 бетлар.

⁴ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Л., 1927. - С. 113

⁵ Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод. / Масъул муҳаррир: Ш.Х. Воҳидов. Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: И. Бекжонов ва Д. Сангирова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. - 430.

1911 йилда Хива хони Асфандиёрхон амалдор Авазберди эшон ўғли Толиб хўжа тавсияси билан Баёнийга буюк Мунис ва Огаҳийдан мерос қолган ишларни давом эттириш ҳамда хонлик тарихини янги авлод тушунадиган тилда ёзишни буюради. Натижада 1914 йилда 16 бобдан иборат катта тарихий асар яратилади⁶. Унда башариятнинг вужудга келишидан тортиб, то XX аср бошларигача бўлган даврда Хоразм заминида рўй берган воқеалар акс этирилади. Кейинчалик муаллиф ўз изланишларини давом қилдирган бўлсада, аммо 1923 йилдаги вафоти оқибатида, мўлжаллаган режалари амалга ошмасдан қолган. Баёнийнинг 508 варақдан иборат “Шажараи Хоразмшоҳий” асари қўлёзмасини ўрганган академик Муҳаммаджон Йўлдошевнинг фикрича, бу асар баённинг мукамаллиги ва ҳақиқий материалларнинг кўплиги жиҳатидан Мунис ва Огаҳийнинг кўп жилдлик қўлёзмаларидан кўп марта устун туради⁷.

Юқорида тилга олинган тарихчиларнинг асарларида Хива хонлигининг маъмурий бошқаруви, унвон ва мансаблар; қўшни давлатлар билан элчилик ва савдо-сотиқ алоқалари, ерга эгалик муносабатлари; суғориш ишлари, солиқ сиёсати; хонликнинг қорақалпоқлар ва қозоқлар, айниқса Кичик жуз билан муносабатларига аниқлик киритувчи маълумотлар, хонликнинг этник таркиби, этник ва этномаданий жараёнлар, жуғрофий маълумотлар ва Хива хонлигининг маданий ҳаётига доир маълумотлар келтирилган.

Хива хонлиги тарихини ўрганиш ва ёритишга XVI асрдан бошлаб хонликка ташриф буюрган инглиз ва рус сайёҳ ва дипломатларининг асарлари муҳим аҳамиятга эга. Бундай асарлар қаторига Антоний Женкинсоннинг хотиралари, Александр Бекович-Черкасский ҳарбий экспедицияси тўғрисидаги маълумотлар, ҳарбий шифокор Бланкеннагель ва Николай Муравьевнинг саёҳати тафсилотлари, Г.И.Данилевский ва Н.П.Игнатъев экспедицияларининг ҳисоботлари киради. Улар орасида А.Левшиннинг қирғиз-қозоқ ўрдалари ва даштлари тўғрисидаги асари хонликнинг қозоқ жузлари билан муносабатлари тарихини ўрганишда муҳим тарихий асарлардан бири ҳисобланади⁸.

Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасининг катта қисми босиб олингандан кейин Хива хонлиги тарихини ўрганишда янги босқич бошланди. Бу даврда Хивага келган империя маъмурлари А. Кун, Е.Желябужский, В.Н.Троцкий, М.А.Терентьев, Л.Ф.Костенко, Ф.И.Лобысевичлар ва америкалик журналист А.Я.Мак-Гахан ўзларининг таассуротлари асосида қизиқарли асарлар ёзиб қолдирганлар.

Хива хонлиги тарихини ёритишда В.В.Бартольд катта ҳисса қўшди. Унинг асарларида Хоразм тарихининг кўплаб саҳифалари холисона ёритилди⁹. Бундан ташқари В.В.Бартольднинг шахсий жамғармасида ҳужжатлар орасида Хива шаҳри тарихи ва хонликнинг ҳаётига оид 200 варақдан кўпроқ ноёб материаллар сақланмоқда¹⁰.

Хива хонлиги тарихини ёритишда Н.И. Веселовскийнинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир. 1877 йилда унинг узоқ йиллар давомида олиб борган изланишлари асосида “Хива хонлиги тўғрисида қадим замонлардан ҳозиргача

⁶ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1994. - 104 б.

⁷ Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Ташкент: Ўздавнашр, 1959. - Б. 70.

⁸ Левшин А. Описание киргиз-казачьих, или киргиз-кайсацких орд и степей. Ч.1-3. – СПб., 1832.

⁹ Бартольд В.В. Событие перед Хивинским походом 1873 года по рассказу Хивинского историка / Сочинения в 10-ти томах. – М.: Наука, 1964. – Т. II. – С. 400–413.

¹⁰ Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: Ўздавнашр, 1959. – 69 б.

тарихий-географик маълумотлар” номли асари нашр қилинган¹¹. Шу билан бир қаторда у ўз асарида Хоразм воҳаси ва Хива хонлиги тарихига оид тўпланган маълумотларнинг етарли даражада эмаслигини таъкидлайди.

Хива хонлигининг Россия билан олиб борган 300 йиллик савдо-сотик ва дипломатлик муносабатлари саҳифалари С.В.Жуковскийнинг 1915 йилда нашр қилинган асаридан ўрин эгаллади¹². Мазкур рус олимнинг ушбу асари биров шовинистик қарашлардан холи бўлмаса-да Хива хонлиги тарихини ёритишда жуда катта аҳамият касб этади.

Совет йилларида Хива хонлиги тарихини ўрганиш ишига Я.Ф.Ғуломов, П.П.Иванов, М.Йўлдошев, О.Содиқов, И.В.Погорельский, Ғ.Напесов, М.Муҳаммадбердиев, Н.Қаландаров, Т.Г.Тўхтаматов каби олимлар ҳам катта ҳисса қўшдилар. Ўз даврида архивларда сақланган ҳужжатларни ўрганган ва уларни таҳлил қилиш асосида илмий асарлар ёзган мазкур олимлар холис воқеликни ёритишга эришганлар¹³.

Манбалар ва илмий адабиётнинг бир туркумини Хиванинг қўшни малакатлар билан олиб борилган муносабатлари ва алоқаларига бағишланган. Хиванинг халқаро миқёсидаги фаолияти ва ўрнини кўрсатиш учун улардан кенг фойдаланилди. Хива хонлигини қўшни давлатлар, жумладан, Эрон, Россия, Бухоро ва Қўқон хонлиги ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг айрим жиҳатларини акс эттирган илмий адабиётларда Хива хонлиги ва Дашти қипчоқнинг ички сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти; икки давлатнинг ўзаро сиёсий алоқалари; иқтисодий алоқалар; икки давлатнинг этномаданий ҳаётида юз берган жараёнлар ҳамда ўзаро алоқаларга хизмат қилган қарвон йўллари тарихи ёритилади¹⁴.

Хива хонлиги ва Қозоқ жузлари алоқалари тарихининг турли жиҳатлари Қозоғистоннинг умумий тарихига бағишланган тадқиқотларда кўпроқ ўз ифодасини топган. М.П. Вяткин, Н.Г. Аполлова, В.Я. Басин, Т.И. Султанов, И.В. Ерофеева, Ж.М. Тулибаева, М. Ходарковский, Р. Села, В. Холцварт, М.Х. Абусеитова, П. Сартори ва П. Шаблей, Р.Ю. Почекаев сингари олимларнинг ишларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

¹¹ Веселовский. Н.И. Очерки историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древших времен до настоящего. – СПб., 1877. – С. 7.

¹² Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. – Петроград, 1915. – С. 42-43.

¹³ Ғуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи: қадим замонлардан ҳозирги кунгача. – Тошкент: ЎзФААН, 1959; Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. – Л., 1940; Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: Ўздавнашр, 1959; Юлдашев М. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVI–XVII вв. – Ташкент: 1964; Юлдашев М.Ю. К истории крестьян Хивы XIX века. – Ташкент: Фан, 1966; Содиқов А. Хива ва Россия иқтисодий муносабатлари (XIX аср 2 ярми – XIX аср бошлари). – Тошкент: Фан, 1968; Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства конца XIX и в начале XX вв. – Ленинград: ЛГУ, 1968;

¹⁴ Арунова М.Р., Ашрафян К.З. Государство Надиршаха Афшара. (Очерки общественных отношений в Иране 30-40-х годов XVIII века). – Москва, 1958. – 283 с; Аллаева Н. А. XVI–XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар. Тарих фан. ном. автореферати. – Тошкент, 2007. – 25 б; Шу муаллиф. Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг манбаларда ёритилиши (XVI-XVIII асрлар) // Академик У.Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Тошкент, 2005. – Б. 53-58; Шу муаллиф. Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан (XVI-XVIII асрлар) // Халқаро муносабатлар. – 2005. – № 3. – Б. 85-90.; Шу муаллиф. XVI – XIX асрнинг 70-йилларида Хива хонлиги ташки алоқалари тарихи 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи, тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ЎзФАТИ, 2019. – 82 с.

Ушбу муаллифларнинг ишлари Қозоқ жузларининг Россия ва бошқа ҳудудлар билан ўзаро алоқаларига доир масалалар қаторида Хива хонлиги тарихининг турли жиҳатларини ҳам акс эттиради. Шу билан бирга, мазкур ишларнинг аксарияти асосан Қозоғистон ёки Россия тарихини ўрганишга бағишланганлиги боис, Хива хонлигига доир тарихий воқеаларни талқин қилишда баъзи хронологик номуносивликлар ва чалкашликлар мавжуд. Шунингдек, турли тарихий маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида Хива хонлигининг манфаатлари эътибордан четда қолганки, бу аксарият ҳолларда масалага бир ёклама ёндашувни келтириб чиқарган ҳамда кўплаб саволларнинг очиқ қолишига сабаб бўлган.

С.К. Бакшилов, У.Х. Шалекенов, С.М. Мадуанов сингари олимларнинг бевосита Хива-Қозоқ алоқалари тарихига доир тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим¹⁵. Ушбу тадқиқотларда асосий эътибор кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўртасидаги иқтисодий-хўжалик муносабатлар, Сирдарё бўйларидаги қозоқ уруғларининг Кўнғиротлар сулоласи даврида Хива хонлиги ва унинг солиқ сиёсатига муносабати масаласига қаратилган. Хронологик жиҳатдан, ушбу тадқиқотларда кўпроқ XIX аср тарихига диққат қаратилган. Хива ва Қозоқ хонликлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг

XVI-XVII асрдаги ҳолати эса, махсус тадқиқот объекти сифатида олинмаган.

Мустақиллик йилларида ўзбек тарихчилари империя ва советлар давридаги тушунча ва тасаввурларни қайта таҳлил этиб чиқдилар. Ўзбекистон истиқлоли таъминланган бир даврда халқимиз тарихини ёритишдаги айрим хато ва камчиликларни тугатишга имконият яратилди. Хива хонлиги тарихи ва маданиятига доир диссертациялар ва бошқа тадқиқотлар амалга оширилди. Булардан М.Матниёзов, М.Маткаримов, А.Абдурасулов, М.Абдурахмонов, Э.Ахунджонов, М.Исмаилова, Г.Исмоилова, М.Мадаминов, М.Мамажонов, О.Масалиева, О.Муталов, С.Сабурова, Н.Полвонов, М.Қаюмов, К.Худойберганов, Ф.Эрназаровлар, Н.Аллаеванинг диссертациялари ва авторефератларини тилга олиш мумкин.

Хива хонлигининг охириги ярим асрлик тарихи О.Қўшжонов ва Н. Полвоновнинг “Хоразмдаги ижтимоий–сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар” номли монографиясида ўз аксини топган.

Тан олиш керакки, охириги йилларда нашр этилган илмий ишлар доирасида тарих фанлари доктори Нигора Аллаевнанинг мақола ва докторлик рисоласи асосида нашрдан чиқарилган “Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари (XVI – XIX асрлар)”¹⁶ монографияси Хива тарихини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур асарда муаллиф Хива хонлигининг ўрганилаётган даврнинг сиёсий тарихига оид ўта муҳим калит муаммоларга муносабат билдирган. Жумладан, Хиванинг ташкил топиши жараёнларида Хоразмнинг ички ва ташқи ҳолати, арабшоҳийлар мақоми, давлат бошқарувида марказий ҳукуматнинг роли каби масалалар чуқур

¹⁵ Бакшилов С.К. Взаимоотношения Казахстана с ханствами Средней Азии в первой половине XIX в.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – М., 1951; Шалекенов У.Х. К вопросу о взаимоотношениях казахских племен с оседлым и полuosедлым населением Хорезма в XVIII – XIX вв. – М., 1964; Мадуанов С.М. История узбекско-казахских отношений (XIX – нач. XX в.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Алма-Ата, 1980; Мадуанов С. История казахско-узбекских отношений (XIX - нач. XX в.). – Туркестан, 1992; ўша муаллиф. Взаимоотношения казахов с другими соседними народами Центральной Азии в XVIII – начале XX вв. Автореф. ... док. ист. наук. – Алматы, 1997.

¹⁶ Аллаева Н. Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари (XVI – XIX асрлар). Тўлдирилган ва қайта ишланган нашр. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 496.

тахлил қилинади. Энг муҳими, Хиванинг Қозоқ хонлиги билан муносабатлар доирасида Кичик ва Ўрта жуз билан хонликнинг муносабатларига доир фикр ва хулосалари келтирилган. Албатта, Н.Аллаеванинг баъзи фикрлари баҳсли бўлишидан қатъий назар Хива тарихини ўрганишда салоҳиятли ва юқори илмий асосга эга бўлган рисола илмий жамоа муҳокамасига манзур этди.

Фойданилган адабиётлар:

1. Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992.
2. Аллаева Н. А. XVI–XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар. Тарих фан. ном. автореферати. – Тошкент, 2007. – 25 б;
3. Аллаева Н. Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари (XVI – XIX асрлар). Тўлдирилган ва қайта ишланган нашр. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 496.
4. Аллаева Н.А. XVI – XIX асрнинг 70-йилларида Хива хонлиги ташқи алоқалари тарихи 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи, тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ЎзФА ТИ, 2019. – 82 с.
5. Бакшилов С.К. Взаимоотношения Казахстана с ханствами Средней Азии в первой половине XIX в.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – М., 1951;
6. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Л., 1927. - С. 113
7. Бартольд В.В. Событие перед Хивинским походом 1873 года по рассказу Хивинского историка / Сочинения в 10–ти томах. – М.: Наука, 1964. – Т. II. – С. 400–413.
8. Веселовский. Н.И. Очерки историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древних времен до настоящего. – СПб., 1877. – С. 7.
9. Гуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи: қадим замонлардан ҳозирги кунгача. – Тошкент: ЎзФАН, 1959;
10. Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. – Петроград, 1915. – С. 42-43.
11. Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. – Л., 1940;
12. Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Ташкент: Ўздавнашр, 1959. - Б. 70.
13. Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: Ўздавнашр, 1959. – 69 б.
14. Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: Ўздавнашр, 1959;
15. Левшин А. Описание киргиз-казачьих, или киргиз-кайсацких орд и степей. Ч.1-3. – СПб., 1832.
16. Мадуанов С.М. История узбекско-казацких отношений (XIX – нач. XX в.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Алма-Ата, 1980;

17. Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Тошкент: Фан, 1960; Шу муаллиф. Хоразмда тарихнависилик. – Ташкент: Фафур Ғулум, 2002. - 23-61 бетлар.
18. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. / Араб ёзувидан табдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, И. Бекчанов, Н. Полвонов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 520 б.
19. Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. – Тошкент: Фафур Ғулум, 1994. - 104 б.
20. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. / Масъул муҳаррир: Ш.Х. Воҳидов. Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: И. Бекжонов ва Д. Сангирова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. - 430.
21. Очерки экономической и политическою истории Хивинского ханства конца XIX и в начале XX вв. – Ленинград: ЛГУ, 1968;
22. Содиқов А. Хива ва Россия иқтисодий муносабатлари (XIX аср 2 ярми – XIX аср бошлари). – Тошкент: Фан, 1968;
23. Шалекенов У.Х. К вопросу о взаимоотношениях казахских племен с оседлым и полуседлым населением Хорезма в XVIII – XIX вв. – М., 1964;
24. Юлдашев М. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVI–XVII вв. – Ташкент: 1964;
25. Юлдашев М.Ю. К истории крестьян Хивы XIX века. – Ташкент: Фан, 1966;